

**ЧОВ ЧУРРАСИ БИЛАН ОФРИГАН БЕМОРЛАРНИ ХИРУРГИК ДАВОСИ НАТИЖАЛАРИНИ
БАҲОЛАШ**



Усаров Шерали Насретдинович

Самарқанд давлат тиббиёт университети, Ўзбекистон Республикаси, Самарқанд ш.

ОЦЕНКА РЕЗУЛЬТАТОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ПАЦИЕНТОВ С ПАХОВЫМИ ГРЫЖАМИ

Усаров Шерали Насретдинович

Самаркандский государственный медицинский университет, Республика Узбекистан, г. Самарканд

EVALUATION OF SURGICAL TREATMENT RESULTS IN PATIENTS WITH INGUINAL HERNIAS

Usarov Sherali Nasretdinovich

Samarkand State Medical University, Republic of Uzbekistan, Samarkand

e-mail: info@sammu.uz

Резюме. Тадқиқот учун ҳар хил турдаги чов чурралари бўлган эркак беморлардан 234 таси ташлаб олинди. Беморлар даволаши тактикасини ташлашга боғлиқ ҳолда икки гуруҳга бўйинган: – таққослаш гуруҳи ан'анавий усуслар ёрдамида чурра аутопластикаси ўтказилган чов чурраси бўлган 96 (41,0%) нафар беморлардан ташкил топган; - асосий гуруҳ 138 (59,0%) нафар беморлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг 63 (45,6%) нафарида Лихтенштейн усулида, ҳамда 75 (54,4%) нафарида биз томонимиздан тақлиф қилинган модификациялашган усул ёрдамида “таранглашмаган” чов герниаллопластикаси ўтказилга. Чов учбуручагидаги тўқималар ҳолатига кўра герниаллопластиканинг таранглашмаган усулини ташлаш алгоритмининг қўлланилиши операциядан кейинги асоратлар умумий частотасини 13,5% дан 7,2% гача камайтириши имконини берди ($p = 0,045$). Лихтенштейн операцияси, ҳамда унинг тақомиллаштирилган усулининг қўлланилиши хусусий асоратларни, жумладан чурра қайталанишини таққослаш гуруҳидаги 8,5% дан асосий гуруҳда 1,7% гача камайтириб, реабилитация сифатини яхшилаши имконини берди.

Калим сўзлар: чов чурраси, даволаши, Лихтенштейн операцияси.

Abstract. 234 male patients with various types of inguinal hernias were selected for the study. The patients were divided into two groups depending on the choice of treatment tactics: – the comparison group consisted of 96 (41.0%) patients with a herniated disc who underwent autoplasty of the hernia using traditional methods; - the main group consisted of 138 (59.0%) patients, of which 63 (45.6%) underwent the Lichtenstein technique, and 75 (54.4%) underwent “tension-free” hernialloplasty according to the modified technique we proposed. The use of an algorithm for selecting a tension-free method of hernia allografting depending on the condition of the tissues of the inguinal triangle made it possible to reduce the overall incidence of postoperative complications from 13.5% to 7.2% ($p = 0.045$). The Lichtenstein operation, as well as the use of its improved technique, made it possible to improve the quality of rehabilitation, reducing specific complications, including recurrent hernias, from 8.5% in the comparison group to 1.7% in the main group.

Key words: inguinal canal hernia, treatment, Lichtenstein operation.

Чов чурралари сабабли бажарилган операциялар қорин бўшлиғи аъзолари режали оператив аралашувлари орасида етакчи ўринлардан бирини эгаллашда давом этмоқда ва уларнинг улуши 10-15% ни ташкил қиласди [2, 5, 7]. Аввалги каби, чов чурраларининг ҳаёт учун хавфли асоратларидан бири унинг қисилиши бўлиб қолмоқда ва шошилинч операциялардан кейин ўлим даражаси 2-6% ни, кари ва кекса ёшдаги bemорларда бу кўрсаткич 12,5% ни ташкил этади. Шу сабабли, чурра ташувчиларда минимал жарроҳлик аралашувларида юкори клиник самарадорликни берувчи герниопластика усувларидан фойдаланган ҳолда, янада фаол режали даволаш ишларини ўтказиш талаб этилади. Классик аутопластика усувлари катта бўлмаган, ҳамда чов канали орка девори тўлиқ бузилмаган чов чурраларида ўзининг самарадорлигини исботлади ва чов канали пластикасида ўз ўрнига эга бўлиб келмоқда. Шундай

бўлсада, бу усувларнинг кенг қўлланилиши ҳатто бирламчи операциялардан кейин ҳам 6,2-10,2% ни ташкил қилувчи рецидивларнинг мавжудлиги туфайли кўп жарроҳларни қониқтирмай кўйди [1, 3, 4].

Тўрли протез имплантациясига жавобан хаддан ташқари, кўп микдорда сероз – геморрагик суюклик ажратилиши муаммоси ҳам ҳал этилмасдан қолмоқда. Чов канали деворининг фациал-мушак-апоневротик комплексининг ёш, жинс ва типга боғлиқ хусусиятларини ўрганиш, чов чурраларини турли хилдаги жарроҳлик усувлари ёрдамида даволашни морфофункционал жиҳатдан асослаш, ҳамда синтетик алопластика материалларини қўллашга индивидуал ёндашув масалалари алоҳида аҳамиятга эга.

Тадқиқотнинг мақсади чов чурралари билан bemорлarda герниопластиканинг техник жиҳатларини тақомиллаштириш орқали даволаш натижасини яхшилашдан иборат.

Тадқиқот материаллари ва усуллари.

Тадқиқот Самарқанд давлат тиббиёт университети кўп тармокли клиникаси жарроҳлик бўлимида 2013-2022-йилларда чов чурраси мавжуд bemорларни текшириш ва даволаш натижалари асосида олиб борилди. Истиқболли динамик фаол тадқиқот учун хил турдаги чов чурралари бўлган эркак bemорлардан 234 таси танлаб олинди. Барча bemорлар режали равишда операция қилинган ва даволаш тактикасини танлашга боғлиқ ҳолда икки гурухга бўлинган: – таққослаш гурухи анъанавий усуллар ёрдамида чурра аутопластикаси ўтказилган чов чурраси бўлган 96 (41,0%) нафар bemорлардан ташкил топган; - асосий гурух 138 (59,0%) нафар bemорлардан ташкил топган бўлиб, уларнинг 63 (45,6%) нафарида Лихтенштейн усулида, ҳамда 75 (54,4%) нафарида биз томонимиздан таклиф қилинган модификациялашган усул ёрдамида "таранглашмаган" чов герниаллопластикаси ўтказилган. Асосий гурухдаги 103 (74,6%) нафар bemорда Линтекс фирмасининг Эсфил стандарт монофиламентли полипропилен тўрли имплантни кўлланилган бўлса, 35 (25,4%) нафар bemорда "Physiomesh" ёки "Prostid" (Ethicon) композит тўрли имплантларидан фойдаланган. Такқослаш гурухидаги bemорларда (n=96) чуррани кесишида чов каналини пластика қилиш учун Жирар – Спасокукоцкий – Кимбаровский (n=27 (28,1%)) ва Постемпский (n=69 (71,9%)) усулларида анъанавий мушак-апоневротик "таранглашган" пластикасидан фойдаланилди.

Тадқиқот гурухларининг иккаласида ҳам bemорларнинг ўртача ёши статистик жиҳатдан ишончли даражада таққосланадиган бўлди: асосий гурухда – $45,4 \pm 0,3$ ёш, таққослаш гурухида – $46,3 \pm 1,0$ ёш ($p > 0,05$).

Bеморларнинг асосий кисмида касаллик давомийлиги бир йилгача бўлган гурухда бўлди – 81 (34,6%). Герниация даври тарихига кўра, 14 (5,9%) нафар bemорда касаллик 10 йилдан ортиқ вакт давомида кузатилган. Бу асосий гурухдаги – 11 (7,9%) bemорда ва таққослаш гурухида – 3 (3,1%) bemорда аниқланган (1-жадвал).

Гурухлардаги bemорларда герниация вақтининг статистик жиҳатдан сезиларли фарқлари аниқланмайди ($p > 0,05$).

Bеморларнинг чурра типлари (L.M. Nyhus таснифи) бўйича гурухларда тақсимланиши 1 – жадвалда кўрсатилган. Қийшик чов чурраси билан бўлган bemорларнинг умумий сони 179 (76,5%)

нафарни ташкил этди. III A типли (тўғри чов чурраси) чурра билан bemорлар 46 (19,6 %) нафар, қайталанган чов чурраси 22 (9,4%) холатда аниқланди. Ўрганилаётган гурухларда чурра тури бўйича ўтказилган статистик таҳдилга асосланиб, уларни бир хил деб ҳисоблаш мумкин ($p > 0,05$).

Тадқиқот натижалари. Таққослаш гурухидаги bemорларда (n=96) герниотомияда чов каналини пластика қилиш учун Жирар – Спасокукоцкий – Кимбаровский (n=27 (28,1%)) ва Постемпский (n=69 (71,9%)) бўйича анъанавий "таранглашмаган" мушак – апоневротик пластика усули кўлланилди.

Чов чурраси билан бўлган асосий гурухдаги барча bemорларга (n=138) Лихтенштейн (45,6%) усулида ва биз томонимиздан модификацияланган усулда (54,4%) "таранглашмаган" герниаллопластика бажарилди.

Чов чуррасини даволашнинг «олтин стандарти» Лихтенштейн усули бўйича герниаллопластика ҳисобланади. Ушбу усул Европа герниологлар жамияти томонидан фойдаланиш учун тавсия этилган бўлиб, 5-10 см узунликдаги очик кесиб кириш орқали амалга оширилади, бу хар қандай турдаги ва ўлчамдаги чов чурраларни бартараф қилишга имкон беради. Лихтенштейн бўйича ўтказилган герниаллопластиканинг "таранглашмаган" усули анъанавий чов геерниопластикалари орасида ўзининг яққол усутунлигини кўрсатди. Операциядан кейинги асоратлар частотаси етарлича қискарди (13,5% дан 11,1% гача). Махаллий ва хорижий муалифлар маълумотларига кўра уларнинг сони 11,5 – 12,6% ни ташкил этади.

Лихтенштейн усули бўйича ўтказилган операциядан кейин юзага келувчи чов чуррасининг кайталаниш сабаблари ўрганилганда 51 нафар кузатувда бўлган ва қайта операция ўтказилган bemорларнинг 2 (3,9%) нафарида операциядан кейинги кечки муддатларда иккала ҳолатда ҳам семиз, корин бўшлиғи ички босими юқори bemорларда механик зўрикиш натижасида мушак – апоневротик тўқиманинг толаланиши, чокларнинг кесилиши ва тўрсимон имплантнинг миграцияси аниқланди. Юқорида кўрсатилган камчиликлар ва операциядан кейинги даврда кузатилиши мумкин бўлган асоратларни ҳисобга олиб, биз "таранглашмаган" герниаллопластиканинг модификациялашган усулини ишлаб чиқдик, ҳамда амалиётга жорий қилдик.

Жадвал 1. L.M. Nyhus чурралар таснифи бўйича чов чурраларининг тақсимланиши

Тадқиқот гурухлари		Чурра турлари						Барча чурралар	
		I тип	II тип	III тур		IV тур			
				IIIА	IIIБ	IVA	IVБ		
Таққослаш гурухи	Жирар-Спасокукоцкий-Кимбаровский бўйича	21	6					27	
	Постемпский бўйича		27	16	17	4	5	69	
Асосий гурух	Лихтенштейн бўйича		35	13	10	2	3	63	
	Модификацияли "таранглашмаган" чов герниаллопластика		29	17	21	3	5	75	
Жами		21	97	46	48	9	13	234	
%		8,9	41,4	19,6	20,5	3,8	5,5	100	

Чов чуррасини даволашнинг комбинациялашган усули бир вақтнинг ўзида бир нечта вазифани ҳал этиш, яъни горизонтал текисликка параллел равиша тўқималарни осон тикиш ҳисобига чов канали деворларига маҳкамлаш, чов канали деворларини мустахкамлаш ва уруғ тизимасини кузатилиши мумкин бўлган ташки маший травмалардан химоя килиш, "Physiomesh" ёки "Prostid" (Ethicon) имплантлатлари кўлланилганда протез ва уруғ тизимаси орасида ривожланувчи кучли биринтирувчи тўқималар ўсишини олдини олиш ва шу орқали репродуктив ёшдаги беморларда уруғ чиқариш йўли чандиқли ўзгаришларини бартараф килиш, уруғ тизимаси веноз тизимидағи веноз димланишини камайтириш ва операциядан кейинги даврда ёргоқ шишини олдини олиш, ҳамда беморларни эрта реабилитацияси имконини беради. Тўр имплантациясидан олдин қайталаниш юзага келиш хавфини олдини олиш учун чов каналининг орқа ва олдинги девори кўндаланг мушак юкори ички кирғонини кўндаланг фасция билан бирга трансплантатга тикиш орқали мустахкамланади. Комбинациялашган пластика бажарилиши натижасида мушак қават ва тўрли имплантатдан иборат чов каналининг мустахкам орқа девори ҳосил қилинади, бунда кам механик пишшиқликка эга енгил ва “ярим сўрилувчан” тўрсимон протезларни хавфсиз кўллаш мумкин. Операциядан кейинги даврда жароҳат асоратлари асосий гуруҳда 7,9% ҳолатда, таққослаш гурухидаги 13,5% ҳолатда кузатилган. Асосий гуруҳдаги беморларда композит ва нокомпозит тўрсимон имплантатларнинг кўлланилиши жароҳат асоратлари билан бўлган беморлар умумий сонининг ошишига олиб келмаган. Лекин, ушбу асоратлар тизимида протезловчи пластикадан кейин кўпинча серома – 3 (2,2%) нафар беморда кузатилиб, таққослаш турухуда ушбу асорат кузатилмаган, биз ушбу ҳолатни пропилен тўрга нисбатан тўқима жавоб реакцияси билан боғладик. Чов чурраларида жарроҳлик аралашув самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири бу касалликнинг қайталаниш частотаси ҳисбланиди. Қайталаниш табиитини ўрганиш учун қайталаниш вақти, сабаби ва механизmlари ўрганилди. Узок муддатларда текширилган 201 беморнинг 9 (4,5%) нафарида чов чурраларининг қайталаниши қайд этилган бўлса, таққослаш гурухидаги 8,5% (7 бемор) ва асосий гуруҳда – 1,7% (2 бемор) ни ташкил этди. Имплантнинг кўлланилиши чов чурранинг такрорланиш частотасини 8,5% дан 3,9% гача камайтириш ва тўрли имплантни бир вақтнинг ўзида олд ва орқа деворларга маҳкамлашда қайталаниш ҳолатларини нолга туширишга имкон берди.

Хулосалар:

1. Имплантни бир вақтнинг ўзида чов каналининг олдинги ва орқа деворига имплантация килиш орқали бажариладиган герниоаллопластиканинг тақомиллаштирилган таранглашмаган усулида чурра қайталаниши, имплантнинг уруғ тизимаси элементлари билан ёпишиши, ҳамда ёргоқ шишининг олди олинади.

2. Чов учбурчагидаги тўқималар ҳолатига кўра герниоаллопластиканинг таранглашмаган усулини танлаш алгоритмининг кўлланилиши операциядан

кейинги асоратлар умумий частотасини 13,5% дан 7,2% гача камайтириш имконини берди ($p=0,045$).

3. Лихтенштейн операцияси, ҳамда унинг тақомиллаштирилган усулининг кўлланилиши хусусий асоратларни, жумладан чурра қайталанишини таққослаш гурухидаги 8,5% дан асосий гуруҳда 1,7% гача камайтириб, реабилитация сифатини яхшилаш имконини берди.

Адабиётлар:

- Иванов Ю. В. и др. Выбор хирургического метода лечения паховой грыжи // Bulletin of Experimental & Clinical Surgery. – 2019. – Т. 12. – №. 4.
- Курбаниязов, З. Б., Давлатов, С. С., Рахманов, К. Э., & Эгамбердиев, А. А. (2017). Усовершенствованный метод ненатяжной герниоаллопластики при паховых грыжах. Шпитальна хірургія. Журнал імені ЛЯ Ковльчука, (1), 71-74.
- Ризаев Ж. А. и др. Значение коморбидных состояний в развитии хронической сердечной недостаточности у больных пожилого и старческого возраста // Достижения науки и образования. – 2022. – №. 1 (81). – С. 75-79.
- Смотрин С. М., Визгалов С. А. Хирургическое лечение паховых грыж в Гродненском регионе // Актуальные проблемы медицины. – 2018. – С. 702-704.
- Хужамов О. Б., Идиев О. Э. Хирургическое лечение паховых грыж (обзор литературы) // Достижения науки и образования. – 2022. – №. 4 (84). – С. 64-72.
- Черноусов А. и др. Лечение паховых грыж: тенденции и проблемы // Врач. – 2015. – №. 4. – С. 15-17.
- Davlatov S. et al. Inguinal Hernia: Modern Aspects of Etiopathogenesis And Treatment // International Journal of Pharmaceutical Research (09752366). – 2020.
- Nyhus L. M., Klein M. S., Rogers F. B. Inguinal hernia // Current problems in surgery. – 1991. – Т. 28. – №. 6. – С. 407-450.

ОЦЕНКА РЕЗУЛЬТАТОВ ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ПАЦИЕНТОВ С ПАХОВЫМИ ГРЫЖАМИ

Усаров Ш.Н.

Резюме. Для исследования были отобраны 234 пациента мужского пола с различными видами паховых грыж. Больные были разделены на две группы в зависимости от выбора тактики лечения: – группу сравнения составили 96 (41,0%) больных с грыжей межпозвоночного диска, которым была выполнена аутопластика грыжи традиционными методами; - основную группу составили 138 (59,0%) больных, из них 63 (45,6%) выполнена методика Лихтенштейна, а 75 (54,4%) - «ненатяжная» герниоаллопластика по предложенной нами модифицированной методике. Применение алгоритма выбора ненатяжного метода герниоаллопластики в зависимости от состояния тканей пахового треугольника позволило снизить общую частоту послеоперационных осложнений с 13,5% до 7,2% ($p=0,045$). Операция Лихтенштейна, а также использование ее усовершенствованной методики позволили улучшить качество реабилитации, снизив специфические осложнения, в том числе рецидивы грыж, с 8,5% в группе сравнения до 1,7% в основной группе.

Ключевые слова: грыжа пахового канала, лечение, операция Лихтенштейна.